

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ОИЛА”  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**



*Nигора Шомуротова*

**ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР  
ЭТНОПСИХОЛОГИЯСИ**

*Илмий- услугий қўлланма*

**ТОШКЕНТ – 2017**

**УҮК: ????**

**КБК: ???**

**Нигора Шомуротова**

**Шахслараро муносабатлар этнопсихологияси. / Н.Шомуротова –  
Тошкент “??”, 2017.- 29 б.**

**ISBN ????????????**

Услубий тавсиянома республика “Оила” илмий-амалий маркази илмий-услубий кенгаши йиғилишининг 2017 йил ? сентябрдаги ?-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Мазкур услугбий қўлланмадан маҳалла комиссиялари аъзолари, маҳалла хузуридаги “Ота-оналар университети” ходимлари фаолиятида, оиласалардаги ота-оналар ва психология соҳасига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар: Б.Умаров. – психология фанлари доктори.  
Н.Лутфуллаева. – психология фанлари номзоди.

## КИРИШ

Ўтмишни, миллий қадриятларни билиш, донишманд халқимизнинг асрий анъана ва удумларини ўрганиш маънавий, маърифий, тарбиявий аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўз миллий анъаналари, удумлари, бебаҳо қадриятлари мавжудки, уларни асраб-авайлаш, ҳурмат қилиш, келгуси авлодларга етказиш орқали уларда миллий ғурур ва ифтихор ҳисларини ривожлантириш, қадриятларни улуғлаш билан боғлиқ фазилатларни шакллантириш ҳар бир даврларда ҳам энг долзарб масалалардан бўлиб келган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг остонасидаёқ Республика биринчи Президенти Ислом Каримов фуқароларга мурожаат этиб, “Халқимизнинг ҳақиқий маънавий бойликлари бўлмиш иймон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳмондўстлик, юртга ва халққа садоқат каби фазилатларни асраб-авайлаб, фарзандлариимзнинг қон-қонига сингдирайлик, жамиятимизнинг кундалик ҳаётида доимо устувор қиласайлик”<sup>1</sup>, - деб таъкидлаган эдилар. Бу билан мамлакатимиз раҳбари ёшлар тарбиясининг нечоғлик жамият тараққиёти учун аҳамиятли эканлигига эътибор қаратдилар. Уларнинг фикрича, “Маънавий ва аҳлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади”<sup>2</sup>.

Республика биринчи Президенти Ислом Каримовнинг зиёлилар ва миллатимиз фидоийлар олдига қўйган бу вазифалари юртимизда психологиянинг алоҳида тармоғи ҳисобланган этнопсихологиянинг ривожланиши учун туртки бўлди. Мустақиллик йилларида узлуксиз таълим тизимини сифат жиҳатдан такомиллаштириш муаммоси доирасида ёшлар

---

<sup>1</sup>Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011- 416 б.  
<sup>2</sup> ўша манба, 432 б.

онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда этнопсихологик билимларнинг ўрни мавжудлиги эътироф этилди.

Энг аввало ўз миллий қадриятларимиз, этник хусусиятларимизни, қолаверса, ҳар бир халққа хос бўлган этнопсихологик хусусиятларни билиш, миллий психологик қиёфани, унинг элементлари бўлмиш миллий характер, миллий урф-одат ва анъаналар, миллий ғоя, дид, миллий онгнинг шаклланиши этник муносабатлар зимирида шаклланади. Шахслараро муносабатлар этнопсихологиясида миллий бирлик туйғусини мустаҳкамланиши бугунги жуда тезкор ва ўзгарувчан, таҳликали замонда тинч, осуда ва инсоний қадриятларни асраб яшаш имконини таъминлайди. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”<sup>3</sup> фармонида ҳам хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиш деб номланган йўналишида ўзаро миллий ва этник муносабатларни, қўшни давлатлар билан ижобий ҳамкорликка асосланилган алоқаларни кучайтириш, байналминал қадриятларни асрash каби ўзбек миллати турмуш тарзига хос жиҳатларга эътибор қаратилган.

Бу эса бугунги кунда этнопсихологик феноменларни ўрганишни, миллатга хос шаклланаётган шахслараро муносабатларни психологик табиатини таҳлил қилишни долзарб масала эканлигини кўрсатади.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947-сонли фармони.

## ЭТНОПСИХОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ

Миллат ва миллий тараққиёт билан боғлиқ бўлган кўплаб масалалар, уларни таркиб топтирувчи ва ривожлантирувчи омиллар ижтимоий ва сиёсий ҳаётда муҳим роль ўйнаб келган ва бундан кейин ҳам узоқ давргача ўз аҳамиятини йўқотмайди. Олимларнинг таъкидлашича, ижтимоий-иқтисодий ва маданият тараққиётининг турли босқичларида турган тўрт мингга яқин миллат, элат ва турли халқлар мавжуд экан, табиий, улар ҳар бирининг ўз тарихи, маданияти ва миллий қадриятлари бор. Уларни ўрганиш миллатлараро муносабатларни яхши йўлга қўйиш, ўзаро алоқаларни ташкил қилишда, турли иқтисодий, маданий алоқаларни ҳар бир томон учун манфаатли тарзда ўрнатишда катта ёрдам беради. Лекин яқин давргача бизнинг ижтимоий фанлар тизимида миллий масалалар ва унда психологик омилларнинг тутган ўрнига етарлича эътибор берилмай келинди. Айрим холларда ушбу масалаларни ўрганиш эса асоссиз равища инкор етилди. Айрим тадқиқотчилар миллий хусусиятлар, этнопсихология масалаларини ўрганишга шубҳа билан қараб, уни “миллатчилик”, “шовинизм” ҳам дейишдан тоймадилар. Бунда улар этнопсихология масалаларини ўрганиш бир халқни мақтаб, иккинчисини камситишга олиб келиши, ирқчилик миллатчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлди, деб хавотирланишди. Бу хадиксирашда маълум асос ҳам бор эди. Чунки яқин ўтмиш буни исботлаши мумкин.

Этнопсихологияга оид айрим тадқиқотларда муаллифлар ўз миллатларини хаддан ташқари кўкларга кўтариб юбориш, бошқа қўшни халқлардан устун қўйиш ҳоллари кузатилганки, бу табий турли норозиликларнинг туғилишига сабаб бўлган. Шунинг билан биргаликда халқларнинг воқелик ва табиатни идрок қилиш, кийиниш, авлодлар тарбияси, авлодлар ўртасидаги муносабатлардаги ўзига хослигини ҳисобга олмаслик, этник ўзига хослигини инкор этиш, миллий муносабатларда

хисобга олмаслик мумкин эмаслигини тан олмас эдилар. Шу боис ҳам этнопсихология фан сифатида ривожланмади, хатточи, собиқ шүролар даврида бу фан психолог кадрлар тайёрловчи факультетларнинг ўкув режасига ҳам киритилмади. Ижтимоий психологиянинг ўрганиши мумкин бўлган мавзуси сифатида қисқа маъruzалар тарзида психология факультетларида номига ўқитилди холос.

*Этнопсихология* – бу психологиянинг шундай тармоғики, у айрим олинган миллатлар психологиясидан ташқари, турли халқлар психологиясини, кичик миллий гурухларни ҳам ўрганади. "Этнопсихология" атамаси "этнология" ва "психология" тушунчаларининг қўшилишидан таркиб топган бўлиб, грекча "этнос" - халқ, қабила, "психология"- рух илми, деган маъноларни англатади. Бу фан маълум миллат ва этник бирлик вакилларининг ўзига хос руҳий қиёфаси, хулқ-авторини, замонавий тилга аталадиган бўлса "менталитетини" ўрганади. Ҳар бир халқка хос бўлган миллий характер, урф-одат ва анъаналар, миллий туйғулар ва дид (таъб), этник онг ва миллий ўзини ўзи anglashnинг вужудга келиши, намоён билиши, ўзгариши ва ривожланиши каби масалалар ҳам этнопсихологиянинг ўрганиш предмети ҳисобланади. Ўз навбатида шуни таъкидлаш ўринлики, ўз навбатида этнопсихология ижтимоий психологиянинг тадбиқий йўналиши ҳисобланади. Этнопсихологияга яқин бўлган фан тармоғидан бири – бу этнография бўлиб, айрим алоҳида олинган маданиятларнинг хусусиятларини бир-бирига қиёслаб, солиштириб ўрганади. Этнопсихология билан чамбарчас боғлиқ бўлган, яъни, унинг энг яқин ҳамкори бўлган фан – бу ижтимоий психологиядир.

**Ижтимоий психология** – одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, турли хулқ-автор шаклларини тушунтириб берувчи фан, шахс ва жамият ўзаро боғлиқлигига содир бўладиган психологик ходисаларни таҳлил этувчи илмий

йўналишдир. Демак, ҳар бир шахснинг жамиятда яшаши, унинг ижтимоий нормаларига риоя қилган ҳолда ўзига ўхшаш шахслар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг психологик табиатини ва қонуниятларини тушунтириб бериш – ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидир. Шу каби умумий таърифлардан яна бири - *ижтимоий психология турли ижтимоий вазиятларда рўй берадиган ижтимоий мулоқотнинг мураккаб шакл ва механизmlарини ўрганувчи фандир*. Шу маънода этнопсихология турли этносларга мансуб кишилар гуруҳидаги мураккаб муносабатларни ўрганувчи ва уларни тартибга солишга ихтисослашган фан тармоғидир. Шу каби ва бошқа оммавий психологик жараёнларнинг шахс ижтимоий хулқатворига таъсирини ўрганувчи ижтимоий психология ва унинг хусусий тармоғи бўлган этнопсихология ижтимоий-психологик қонуниятларни билишда ва уларни бошқаришда катта амалий аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, этнопсихология билан ижтимоий психологияни яқинлаштирувчи нарса – бу иккала фаннинг ҳам турли ижтимоий гурухлар билан, аниқроғи, катта ижтимоий гурухларнинг муаммоларини ўрганиши ва уларнинг ечими билан шуғулланишидир. Ижтимоий психологияда катта гурухлар уни ташкил этувчиларнинг мақсадлари, фазовий жойлашишлари, психологик хусусиятларига қараб уюшган ва уюшмаган турларга, кичиклари эса ўз навбатида энди шаклланаётган – диффуз ҳамда тараққиётнинг юксак поғонасига кўтарила олган жамоа турларига бўлинади.

Катта гурухлар кишиларнинг шундай бирлашмаларики, ундаги одамлар сони аввало кўпчиликни ташкил этиб, маълум синфий, илмий, ирқий, профессионал белгилар уларнинг шу гурухга мансублигини таъминлайди. Катта гурухларни ташкил этувчилар кўп сонли бўлганлиги ва улар хулқатворини белгиловчи механизмларининг ўзига хослиги туфайли бўлса керак, ижтимоий психологияда олимлар кўпинча кичик гурухларда

иш олиб бориши афзал кўрадилар. Лекин катта гурухлар, одамлар уюшмасининг психологиясини билиш жуда катта тарбиявий ва сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга. Бу соҳадаги тадқиқотларнинг камлиги бир томондан, айтиб ўтилганидек, кўпчиликни қамраб олишдаги қийинчиликлар бўлса, иккинчи томондан, катта гурухлар психологиясини ўрганишга қаратилган методик ишлар заҳирасининг камлигидир.

Катта гурухларнинг психологиясини ўрганишга мўлжалланган маҳсус методикалар ижтимоий психологияда ҳам, социологияда ҳам кам ишлаб чиқилган. Масалан, ишчилар ёки зиёлиларнинг психологияси ўрганилиши керак, дейлик. Аввало ўша ишчиларнинг сони кўп, қолаверса, ишчиларнинг ўзи турли ишлаб чиқариш шароитларида ишлаётган, турли иқлим шароитларида яшаётгандиги, турли миллатга мансуб кишилар эканлигидир. Ижтимоий психология ҳар бир катта гурухга тааллуқли бўлган асосий, етакчи сифатни топиш ва шу асосда унинг психологиясини ўрганишни мақсад қиласди. Қолаверса, катта гурухлар жамиятнинг тарихий тараққиёти мобайнида шаклланган гурухлар бўлгани учун ҳам ҳар қандай гурухни ўрганишдан олдин, хоҳ бу уюшган ёки уюшмаган тоифалилар гурухи бўлсин, хоҳ миллатлар ёки халқлар психологияси бўлсин, унинг хаёт тарзи, унга хос бўлган одатлар, удумлар, анъаналар ўрганилади. Шу ўринда ижтимоий психология этнопсихология билан бирлашиб, этник гурухларни ўрганади. Этнопсихология этник гурухлардаги ижтимоий ва шахслараро муносабатлар табиатини, улардаги психологик жараёнларни ва шу орқали жамиятдаги муносабатлар мазмунини аниқлаш, илмий тахлил қилишни ҳам ўрганади.

## **ЭТНОПСИХОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ДАСТЛАБКИ ТАДҚИҚОТЛАР**

Маълумки, жаҳон фанида халқлар ва миллатлар психологиясига бағишланган биринчи илмий тадқиқотларни немис классик олими *Вильгельм Вундт* бошлаб берган эди. Унинг тадқиқотларидағи “халқ” тушунчаси аслида этник уюшма, миллат маъносида тушунтирилган эди. Унинг фикрича, этник гурухлар психологиясини ўрганиш учун уларнинг тилини, одатларини ва ана шу халқларда кенг тарқалган афсоналар, ақидалар, фикрлаш тарзлари, ҳаёт тарзи ва тутимларни ҳамда бошқа онг тизимларини ўрганиш керак.

Шуниси диққатга сазоворки, Вундтдан кейинги даврда ўтказилган мухим тадқиқотлардан бири бизнинг ўлкамизда ўтказилган бўлиб, уни психолог *A.P.Лурия* амалга оширган эди. Бу экспериментал тадқиқот бўлиб, уни ўтказишдан асосий мақсад *Л.С.Виготскийнинг* маданий-тарихий ёндашув ғоясини текшириш эди. *Лурия* бошчилигидаги олимлар гурухи революция бўлиб ўтган Ўзбекистон шароитида турмуш тарзининг ўзгариши билан ўзбек халқи психологиясининг ҳам ўзгарганлигини исбот қилмоқчи бўлганлар. Асосий мақсад билиш жараёнларининг ўзгарганлигини исбот қилиш бўлса ҳам тадқиқотчилар ўз-ўзини англаш ва ўз хулқ-авторини таҳлил қилиш борасида ҳам уйда ўтирадиган аёллар, эндиғина савод олиш мақсадида саводхонлик курсларида ўқиётган хотин-қизлар ҳамда педагогика билим юртларида таълим олаётган қизлар ўртасида фарқ бор-йўқлигини текширишди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, *A.P.Луриянинг* асосий мақсади миллий психологик хусусиятларни ўрганишда тарихийлилик тамойилига таяниш лозимлигини исботлаш ҳамда миллий психологиянинг ҳаёт тарзига, шахснинг жамиятда шахслараро муносабатлари тизимида тутган ўрнига бевосита боғлиқлигини исбот қилиш эди. Биринчи дастлабки тадқиқотлар катор методологик камчиликлардан холи бўлмасада, унинг муайян илмий

ва амалий ахамияти ҳам бор эдики, унда биринчи марта миллий психологияни ўрганишга ёрдам берувчи методлар ва методологик тамойиллар синовдан ўтказилди. Тўғри, бу тадқиқотда тўпланган маълумотлар ва илмий хulosалар билан бугунги кунги холатни тўлигича ифодаламайди, қолаверса, бу концепциянинг ўзи неча бор қайта ишловни талаб қилди, лекин миллий психология бўйича ўтказилган кросс, яъни, қиёсий тадқиқот сифатида унинг барибир этнопсихология учун ахамияти каттадир. А.Лурия ушбу тадқиқотида қўлланган *пиктограмма* усули, яъни, “сўз портретлари”ни таҳлилидан фойдаланган, ўз-ўзини анализ қилиш методларини ҳозирги замонавий тадқиқотларда ҳам факат янгича методологик принциплар асосида қўллаш мумкин.

*Ю.В.Бромлей* этник гурухлар психологиясида икки томонини фарқ қиласиди:

- 1) *психик асос* – этник характер, темперамент, миллий анъаналар ва одатлардан иборат барқарор қисм;
- 2) *ҳиссиёт соҳаси* этник ёки миллий ҳис-кечинмаларини ўз ичига олган динамик қисм.

Худди ҳар бир шахс онгига турлича стереотиплар, яъни, ўрнашиб қолган образлар, психологик “тамғалар” бўлганидек, ҳар бир оила, яқин ошна-оғайнилар ва ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқот жараёнида у ёки бу миллат вакилида ҳам ўз миллатига хос бўлган сифатлар ҳақида стереотиплар пайдо бўлиб, улар онгига ўрнашиб боради. Бундай стереотиплар ўз миллатига ва бошқа халқларга нисбатан бўлиб, бошқалар ҳақидаги тасаввурлар анча содда, юзаки, мазмунан тор бўлади. Шундай тасаввурлар асосида бошқа миллатларга нисбатан ёқтириш (симпатия) ёки ёқтираслик (антитатия) ва бефарқлик муносабатлари шаклланади. Ўз миллати ҳақидаги тасаввур ва стереотиплар эса миллий “этноцентризм” ҳиссини шакллантирадики, шу ҳис туфайли шу миллий гурух вакилларида бошқа миллатларга нисбатан иррационал муносабатлар пайдо бўлиши, бу

эса миллий антогонизм ва миллий адоватларни келтириб чиқариши мумкин.

Миллатлараро адоват ва миллий этноценризмнинг ўзига хос тури борасида давлатимиз биринчи раҳбари *Ислом Каримов* ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли тарихий асалари жуда теран фикрларни баён этганлар. Асада таъкидланганидек, “Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда”.<sup>4</sup>

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг жамики юртимизда истиқомат қилаётган юздан зиёд миллат ва элатларнинг манфаатларини бир хил ҳимоя қилиш, улар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга қаратилган доно сиёсати туфайли, бугунги кунда барча ўзбекистонликлар шу юрт, шу Ватан равнақи йўлида бир хил курашиш билан биргаликда ўз миллий қадриятлари, маданияти, санъати, яшаш тарзини ҳурмат қилишга, унинг энг жозибали ва тарбиявий нуқтаи назардан ноёб анъаналарини давом эттириш, намоён этиш имкониятига эга бўлдилар. Зеро, давлатимиз биринчи раҳбари таъкидлаганларидек, “Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидағи маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг

---

<sup>4</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 72.

мухим мақсади бўлмоғи керак.”<sup>5</sup>

Демак, мустақил юртимизда миллатлараро ва элатлар ичидаги ўзаро алоқалар муаммолари стратегик аҳамиятли бўлиб, бу ўз навбатида олимлар, хусусан, этнопсихологлар олдига миллатлараро дўстликни ва баҳамжиҳатликни такомиллаштиришга йўналтирилган фундаментал ва тадбиқий ишларни амалга ошириш, натижалари билан юртимизда тинчлик ва тотувликни барқарорлаштиришга ҳисса қўшиш вазифасини қўяди.

Бу борада, ижтимоий психологлар ва мафкурачилар олдида турган муаммолардан бири миллат вакилларида **миллий ғурурни** соф ижтимоий-психологик феномен сифатида ўрганиш, унинг ёшларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланишидаги ролига алоқадор психологик механизмларни тадқиқ этишини қўндаланг қилиб қўяди.

Юртимизда мустақиллик йилларида яратилган улкан имкониятлар боис ўзбек миллатининг боласи санъат, маданият, спорт, фан соҳасида бугун бутун дунёни лол қилувчи ютуқларга эришмоқдаки, бунда китобларда, спорт майдонларида ва катта саҳналардаги имкониятлардан ташқари, ўзбекларга хос ҳалоллик, шижаот, миллати, оиласи, маҳалласи шаъни учун кураш, ғуур, тиришқоқлик каби ноёб сифатлар ҳам катта роль ўйнамоқда.

## **ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР – ЭТНОПСИХОЛОГИЯНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА**

Этнопсихологиянинг қатор асосий феноменлари мавжудки у орқали маълум гурух, миллат, этник қатлам хусусида сўз боради. Этник гурух – бу умумий маданий анъаналар, ўхшаш ва такрорланадиган урф-одатлар ва удумлар, миллий қадриятлар асносида бирлашган инсонлар гуруҳидир. Дастлаб ушбу атама биологик жиҳатдан бир-бирларига боғлиқ бўлган

---

<sup>5</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... – Т.: Ўзбекистон, 1997 – 73-74 б.

инсонларга нисбатан қўлланилган бўлса, бора-бора унинг мазмун ва моҳияти кенгайиб борган. Биргаликда ва деярли бир хил ҳаёт ва турмуш тарзига эга бўлган инсонлар гурухининг қадриятлар ва анъаналар муштараклиги нуқтаи назаридан бирлашиши этник гурухни ташкил қилган. Шундай қилиб, этник гурухлар таркибидаги шахслараро муносабатлар маълум этник қатламга хос манзарани ифодалайди. Этник гурухлар тарихий ривожланиш жараёнида қуйидаги белгилар ва мезонлар асосида шаклланган:

- а) тарихи ва анъаналари;
- б) тили;
- в) географик жойлашуви;
- д) ирқининг ижтимоий келиб чиқиши;
- е) диний эътиқоди ва б.к.

Одатда бу атама катта ижтимоий гурух таркибида кичикроқ гуруҳга нисбатан ишлатилади (масалан, ўзбеклар орасида қорақалпоқларнинг этник гурухи). Лекин айрим олимлар этник гуруҳ деганда айнан мамлакатдаги энг катта этник гурухни (бизнинг мисолимизда - ўзбеклар) назарда тутадилар. Одатда этник гурухлар аматамаси ирққа нисбатан ишлатилмайди.

Ҳозирги глобаллашув жараёнлари кескин тус олган, оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари орқали шахснинг кенг ахборот оқимига қўшилиши имконияти кенгайган бир шароитда унинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, чиниктириш, ахборотларга нисбатан танловчан муносабатни тарбиялаш ўта муҳим ва мураккаб масалаки, уни самарали ечиш ҳам турли миллат ва элат вакиллари, омма ва алоҳида олинган шахс психологиясини билишни, жамият ва шахс ўзаро муносабатларидағи нозик жиҳатларни ўрганишни талаб қиласи.

Айни даврга келиб ҳамдўстлик мамлакатлари худудида ҳар бир собиқ республикалар алоҳида, мустақил давлат мақомини олган, лекин бошқа томондан қараганда, ҳамдўстлик мамлакатлари иттифоки шароитида

миллатлар ўртасида муттасил алоқалар мавжудлигидан келиб чиқиб, миллий психология масалалари кун тартибида аввалгидан ҳам муҳим масала сифатида қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам катта гуруҳлар ичида этник, миллий гуруҳларга, шахслараро муносабатларга кўпроқ эътибор беришни лозим топдиқ, бундай эътиборнинг яна бир боиси – Ўзбекистонда бугунги кунда байналминал ҳамдўстликни мустаҳкамлаш, миллий бирликни мустаҳкамлашга давлат сиёсати доирасида катта эътибор қаратилаётганлигидир. Бундай тарзда қўйилаётган масала тўғри ва илмий-амалий аҳамиятга эга, дунёning турли мамлакатларида рўй берадиган талат-тўпларида, инсон қадрини поймол қилинишига беътиборликни юз беришида миллий бирлик туйғусини, байналминал уюшқоқликни заифлашганлиги, шахслараро муносабатларни салбий характер касб этганлиги деб ҳисоблаймиз. Бунда эса миллий психологияни ундаги шахслараро муносабатларни мазмунан тадқиқ қилиш муҳим ўрин тутади.

Миллий психология одатда психологик дарсликлар ва айrim луғатларда **этник психология** доирасида ва айнан шундай атама воситасида ўрганилади. Этник психология грекча “этнос” (*ethnos*) – халқ, қабила, сўзларидан олинган бўлиб, одамларнинг у ёки бу миллатга ёки этник уюшмага алоқадорлигидан келиб чиқадиган психологик хусусиятлари ва хулқини ўрганади. Этник психологияга алоқадор дастлабки ёзувлар қадимги тарихий ҳамда географик асарларда қайд этилган бўлиб, уларда муаллифлар қадимий халқларнинг ўзига хос специфик қирраларини миллат қиёфаси сифатида талқин этганлар. Фақат XIX асрга келибгина этнография ва антропология каби фанларнинг ривожланиши муносабати билан этник психология мазмунлироқ бўлиб ўрганила бошланди. Одатда олимлар этник психологиянинг асосий муаммолари сифатида қуидагиларни кўрсатадилар:

- 1) инсонлар амалга оширадиган фаолият типи билан уларни куршаган маданий мухит ва устивор маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги;

2) этник уюшмалар (гурухлар) аъзоларининг ижтимоий хулқ–атвори ва психикасидаги хусусиятлар, уларнинг ўзаро боғликлиги;

3) миллий ўзини - ўзи англаш ва миллий стереотипларнинг табиати, улар бажарадиган функциялар ва ўзгаришига оид қонуниятлар.

Юқоридаги муаммолар аввало уларни эмпирик жиҳатдан тадқиқ этишни, бунда ишончли усуллардан фойдаланишни талаб қиласа, иккинчи томондан, миллий психологиянинг хусусиятларини ўрганиш учун предметлараро мувофиқлик ва ҳамкорликни талаб қиласди. Чунки этник психология шу қадар нозик ва мураккаб ижтимоий хулқ шаклини, уни айрим олинган битта фан доирасида мукаммал ўрганишнинг иложиси йўқлигини олимлар ҳамиша таъкидлайдилар.

Ушбу муаммолар ҳозирда, яъни мустақил Ўзбекистон шароитида, кўпгина тадқиқотчиларни қизиқтираётган масаладир. Чунки давр этнопсихологиядан шундай эмпирик маълумотлар кутмоқдаки, у фақатгина миллий онгга тааллуқли бўлган ҳозирги ва ўтмишдаги ҳолатни эмас, балки миллатнинг эртанги кунини, унинг онги қайси томонга ўзгаришини, миллатлараро содир бўладиган жараёнларни башорат қилмоғи лозим. Бунинг учун эса унга кучли этнопсихологик назария ва ишончли методлар керак.

## **ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЎРГАНИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР**

Этнопсихологик хусусиятларни ўрганувчи тадқиқотчиларнинг аксарият кўпчилиги, уни ижтимоий-тарихий категория эканлигини эътироф этадилар ва яна уни ўрганиш "қийин объект" эканлигини таъкидлашади. Дархақиқат, бу масала текшириш ва ўрганиш учун мураккаб ва тушуниш билан бирга энг долзарб, кам ўрганилган муаммо ҳамдир.

Илмий манбаларда келтирилишича, этнопсихологик хусусиятларни ўрганишдаги қийинчиликлар қўйидагилардан келиб чиқади:

а) миллий психологик қиёфани ўрганувчи этнопсихология фанининг

бошқа психология тармоқлариға нисбатан суст ривожланаётганлиги ва ханузгача унинг умумий масалаларини тадқиқ этишнинг методологик тамойиллари тўла ишлаб чиқилмаганлиги;

- б) этник хусусиятлар кўзга яккол ташланиб тўрган холда, уни ташкил этувчи руҳий хислатларнинг яширин эканлиги, уни бевосита эмас, бавосита, яъни, уларнинг маҳсулларига қарабгина баҳо бериш мумкинлиги;
- в) юқорида зикр қилинганидек айрим олимларнинг ушбу масалалар борасида бир биридан фарқ қилувчи муносабатларга эга эканлиги;
- г) этнопсихологиянинг фан сифатида узоқ вақт мобайнида ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ўз ўрнини топа олмаганлиги.

Лекин шунга қарамай, муайян кийинчиликлар миллий психологик қиёфа, миллий характер каби миллатнинг руҳий хусусиятлари мавжуд эканлигини психология фани, унинг таркибий қисми бўлмиш ижтимоий психология ўрганиб келмоқда. Бу соҳада муваффақиятли иш олиб бориш учун илмий текширишлар методикасини такомиллаштириш ва қатор фан вакиллари-файласуф, тарихчи, этнолог, социолог, психолог, адабиётшунос, санъатшунослар ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

Миллий масалалар ва этнопсихология буйича йирик мутахассис М.Жунусовнинг хақли равишда таъкидлашича, миллатнинг муҳим белгиларидан бўлган психик қиёфани инкор этиш назарий жиҳатдан асоссиз бўлиб, амалиётда катта хатоларга олиб келиши мумкин.

Бахс таҳлили шуни кўрсатадики, бу масалада қатор терминологик чалкашликлар ҳам мавжуд экан. Масалаи, айрим бахс қатнашувчилари "миллий психологик қиёфа", "этник психология", "миллий характер" каби тушунчаларни айнан бир нарса, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун бу тушунчаларпинг бир-биридан фарқ қилувчи томонларини кўрсатмасдан туриб, уларнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ўтказилган психологик тадқиқотларнинг бир қисми айнан оила шароитида,

оилада сақланиб келинаётган удумлар, қадриятлар, одатлар доирасида ўтказилган бўлиб, биринчи ижтимоий-психологик ҳамда этнопсихологик тадқиқот юртимиизда XX асрнинг 70-йиллари охири 80-йилларнинг бошида *И.Ёқубов*<sup>6</sup> томонидан ўтказилган. У оилавий муносабатларнинг барқарорлиги ва эр-хотин ижтимоий ролларининг мувофиқлигини таъминловчи ижтимоий-психологик омилларни ўрганди. Тадқиқот натижасида шу нарса аниқландики, оила аъзоларининг роллар борасидаги мувофиқ ўзаро муносабатлари оилавий ҳамжиҳатликнинг муҳим шартидир.

Кейинчалик шу каби оила ва оилавий муносабатларнинг ижтимоий-психологик ва этнопсихологик феноменларга бағишлиланган тадқиқотлар ўзбекистонлик олимлар *F.Б.Шоумаров* ва унинг шогирдлари, В.Каримова ва унинг шогирдлари ва Н.Маматов, Н.Соғинов, Э.Сатторовлар томонидан олиб борилган изланишларда ривожлантирилди. Масалан, *F.Шоумаров* ва *E.A.Моршиналарнинг* 1986 йилда ўтказган тадқиқотларида оилада болалар тарбиясига бевосита таъсир қўрсатадиган ижтимоий-психологик омиллар ўрганилди, чунончи, унда ота ва она, эр ва хотин, ота-она ва фарзандларнинг ўзига хос ўзаро муносабатларидаги анъанавий миллий ва замонавий муносабатларнинг хусусиятлари очиб берилган.

Оилавий муносабатлар психологияси хусусида ўтказилган муҳим тадқиқотлардан бири *N.Соғиновнинг* ўзбек оиласига хос бўлган никоҳ ва оила муносабатлари-никоҳдан қониқиш, никоҳ мотивлари, оила қуришнинг ўзбекларга хос бўлган ёш хусусиятлари, ёш ўзбек оилаларидағи психологик можаролар ва ажралишларнинг сабабларини систематик тарзда ўрганган илмий ишидир. Бу тадқиқотда илгари хеч ўрганилмаган илмий маълумотлар тўпландики, уларга кўра, ўзбек оиласининг қурилишига сабаб бўладиган асосий мотив – бу “фарзандли бўлиш”, (биринчи ўринда), иккинчи ўринда “жамоатчиликнинг гап-сўзига қолмаслик”, учинчи ўринда

<sup>6</sup> Якубов Ю.А. О рассогласованности ролевого поведения супругов как фактор дестабилизации брака // Тезисы докл. к 6-му Всесоюзн. Съезду Общества психологов.-М., 1983.- С.923-924

“ота-она ва қавми-қариндошларнинг истакларини бажо этиш” ва ҳоказолар аниқланди. *Н.Согиновнинг* тўплаган маълумотлари ёш оилалар, можароли оилалар ва ёшлар тарбияси билан машғул бўлганлар учун муҳим илмий йўл-йўриқдир. Бу каби изланишлар кейинчалик *М.Утепбергенев*, *М.Душанов*, *Э.Норимбетов* ишларида давом эттирилди ва уларда қорақалпок, қозоқ ҳамда қирғиз оилаларининг этнопсихологик ўзига хослиги оилавий қадриятлар нуқтаи назаридан ўрганилди. Яъни, бу каби изланишларда оила ва никоҳ муносабатларидаги миллий ўзига хослик қорақалпоғистонликлар, қирғиз ва қозоқ оилалари мисолида ўрганилди. Бу каби изланишлар охирги йилларда ҳам жадал амалга оширилмоқда.

Этнопсихологик хусусиятлар, миллий психологик қиёфанинг но-реаллиги тўғрисида бир қанча субъектив фикрлар айтилган, баъзи қарашларда жиддий ихтилофлар мавжудлигига қарамай, этнопсихологик хусусиятлар реал мавжуд, деб таъкидловчи олимлар қўпчиликни ташкил этади. Дарҳақиқат, тарихий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги тенгсизлик турфа хил табиий-географик шароитлар халқлар ўртасида маълум психологик тафовутларни вужудга келтирган. Турли халқларда оила аъзолари ўртасида бўладиган муносабатларниш бир хил бўлмаслиги, урф-одат ва анъаналардаги фарқлар, нарса-ходисаларни идрок этишда мавжуд бўлган турфа хилликни этнопсихологик хусусиятлар билангина тушунириб бериш мумкин. Фан мана шу хусусиятларни ўрганишдан воз кеча олмайди.

## **ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МАЗМУНИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

Миллатлараро муносабатлар тобора яхшиланиб бораётган, ОАВ орқали дунёning қайси четидан бўлмасин у ёки бу халқقا оид маълумотларга эга бўлиш жуда осон бўлиб қолган бир шароитда турли

миллат ва халқларнинг психологиясини ўрганиш, миллатларабо қиёсий тажрибалар ўтказиш фан манфаатларига тўғри келади. Бугунги кенг ахборот майдонида инсонларни бир-бирларини тўғри идрок қилишлари ва шунга хос хулқ-атвор шаклларини намоён қилишлари, жамиятдаги умумий ижтимоий муносабатлар мазмунига таъсир қиласди. Шахслараро муносабатлар жамият талаблари, ижтимоий турмуш тарзидаги рўй берадётган ўзгаришлар таъсирида ўзгариб боради. Республиканинг турли вилоятларидаги ўтказилган тадқиқотлар мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, оилавий муносабатларни салбий ўзгаришларига ва оиладаги шахслараро муносабатларни тифизлашувига кўп ҳолларда моддий ва маънавий инқирозлар, етишмовчиликлар, оила аъзоларини бир-бирларини тўғри идрок қилмасликлари сабаб эканлиги кузатилди. Бола тарбиясида ота-онанинг бирдек масъуллиги таъкидланса-да аммо кўпроқ уни назорати, парвариши, тарбияси она масъуллигига тўғри келиши оиладаги фарзанд тарбияси билан боғлиқ муносабатларни тизимлилигини таъминлади.

Шахслараро муносабатлар мазмунига бир неча омиллар таъсир қиласди. Биринчи омил бу - сиёсий-иктисодий ва жамият ҳаётида бўлаётган ижтимоий жараёнлар тизими бўлса, иккинчисига, шу этник бирлик яшаб тўрган табиий-географик муҳитнинг хусусиятлари киради. Учинчи омилга эса халқ ҳаётида бўлиб ўтган муҳим тарихий ходиса ва воқеалар киради.

Лекин шуни таъкидлаш мумкинки, шахслараро муносабатлар тизимида одамлар руҳиятининг мазмунини, аввало биринчи омил – мамлакатдаги сиёсий-иктисодий, ижтимоий-мафкуравий ўзгаришлар белгилаб беради. Табиий-географик омил эса асосан этнопсихологик қиёфанинг ташқи ифодаларини белгилайди. Шунинг учун ҳам бу омил кузатаётган инсон назарига биринчи омилга қараганда яққол намоён бўлади.

Халқ ҳаётида бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеалар сўзсиз унинг психологик қиёфасида ва ўзаро муносабатларида ўчмас из қолдиради.

Табиатдаги айни бир воқеликларнинг доимий таъсири натижасида кишилар бу воқеликдаги хусусиятларни бошқа шароитда яшаётган этник гурӯҳ вакиллариға қараганда чуқурроқ идрок қилишга ўрганиб қоладилар. Чунки ташқи муҳит бизнинг сезги аъзоларимизга беҳисоб ахборотлар, яъни хилма-хил таассуротлар юбориб туради. Натижада эволюцион тараққиёт давомида, танамизда шу ташқи муҳит билан адекват, яъни, унга мутаносиб муносабатни таъмин эттирувчи нейро-физиологик механизм шаклланади. У кишиларнинг сезги ва идрокларида намоён бўлади. Шунинг учун у ёки бу халққа хос стереотип ҳатти-ҳаракатларни, идрок хусусиятларини ташқи муҳитга мослашувининг олий қўриниши, деб ҳисоблаш керак.

Ташқи муҳитнинг доимий таъсирида вужудга келган руҳий хусусиятлар бу таассуротларнинг бутун системаси (тизими) ни эмас, балки унинг учун муҳим бўлган ва ўтмиш тажрибасида синалган, мустаҳкамланиб қолган томонларнигина акс эттиради. Олимларнинг эътироф этишича, ташки олам таъсири инсон миясида ўрнашиб қолган ҳис-кечинмалар, фикрлар, хоҳиши, иродани намоён бўлиши, хуллас, идеал орзу-тилак тарзида акс этади ва худду шу қўринишда, идеал кучлар бўлиб қолади.

С.И.Королевнинг ёзишича<sup>7</sup>, “Миллат руҳиятида шаклланган этнопсихологик хусусиятлар маълум даражада айни шу миллат вакилларини муҳофаза қилувчи механизм ролини ҳам ўйнайди. У худди ғалвирдек ёт нарсаларни ажратиб, уни ё қабул қиласи ёки шу халқда мавжуд бўлган нормалар асосида қайта ишлаб беради, ёхуд уни инкор этади”.

Атрофдаги воқеликни, ходисаларни ўзига хос равища идрок қилиш, тасаввур ва фикр қилиш ва уларни таъб ва туйғулар, урф-одат ва анъаналар, характер тарзида намоён бўлиши шахслараро муносабатларнинг қайтарилмас, бетакрор хусусиятлари ҳисобланади.

---

<sup>7</sup> Коралёв С.И. Вопросы психологии, 9 с.

балки фаолият шаклининг тузилиши, мазмуни жихатидан ҳам фарқланадилар.

Маълумки, ўзбекларнинг асосий қисми дехқончилик ва боғдорчилик билан шуғуллаиш имконияти мавжуд бўлган воҳаларда жойлашганлар. Ерга хусусий мулкнинг вужудга келиши, ердан интенсив равишда фойдаланиш, дехқончилик маҳсулотларини кўплаб этиштиришга олиб келди. Бундан ташқари ўзбеклар яшайдиган йирик шаҳарларнинг ғарбдан шарққа, жанубдан шимолга ўтувчи катта карvon йўлларида жойлашган бўлишлиги, бу ерларда фақат дехқончиликни эмас, шунингдек пул-товар муносабатларини, турли хил хунармандчиликни, қўшни халқлар билан савдо-сотик ишларини ривожланишига олиб келди. XV-XVI асрдаёқ Бухоро, Самарканд, Тошкент, Хива, Кўқон, Хўжанд каби йирик шаҳарлар Хиндистон, Хитой, Эрон, Россия, Арабистон каби мамлакатлар билан кенг савдо-сотик ишларини олиб боришар эди. Буларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг ҳаёт тарзида ва психологиясида ўз аксини топган эди. Қўшни мамлакатлар билан савдо-сотик ва бошқа иқтисодий-маданий алоқаларни қизгин олиб борилишлиги, улардан хушмуомалалиқ, хуштабиатлик, меҳмоннавозлик, ҳозиржавоблиқ, тадбиркорлик каби хусусиятларни талаб этади.

Ўзбек халқининг ҳаёти ва турмуш тарзини ўргангандан тадқиқотчиларнинг барчаси ўзбекларга хос бўлган очиқюзлик ва хушмуомалаликни таъкидлаб кўрсатишган эди. Ўзбекларга хос бу хусусиятни қозоқ адабиётининг классиги Абай ҳам таъкидлаб кўрсатиб, “...илтифотлилик, хушмуомалалик - буларнинг ҳаммаси сартлардадир”, деб ёзган эди.

Ўзбекларнинг бир неча асрлар дехқончилик билан шуғулланиб келиши, ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ерга нисбатан уларда тежамкорлик ва омилкорликни вужудга келтирган. Бугунги кунда ана шуминг йиллик этнопсихологик муносабатларни яна тиклаш, тадбиркорлик

фаолиятини турли шакларидан самарали фойдаланиш, яратувчанлик ва ташаббускорлик билан яшаш ўзаро турмуш тарзимизга айланмоқда.

Маълумки, бола ёруғ оламга келар экан, аввало, ўзига Ватанни ва қолаверса, ота-онасини ўзи танлаб туғилмайди. Бундан ташқари, у ўз миллатига хос бўлган тайёр этнопсихологик хусусиятлар билан ҳам туғилмайди. Бола ота-онасидан авлод-аждодидан биологик йўл билан фақат ирқий хусусиятларни ва айрим руҳий хусусиятларнигина мерос қилиб олади, холос. Бола туғилиш даврида одам бўлишга номзод. Лекин якка ажралган холда у одам бўла олмайди. Жамиятда яшаб у одам бўлади. Бола ҳаётининг биринчи кунидан бошлабоқ ихтиёrsиз холда ўзи дунёга келган мухитдаги турли-туман таъсирлар ва таассуротлар остида шахс бўлиб шаклана бошлайди. Боланинг биологик ва руҳий жиҳатдан ривожланиши учун таъсир етаётган бу ахборотлар, турли ижтимоий ва маънавий мухит, географик шароитларда бир хил бўлмайди. Мана шу турли хил мухит ва ахборотларининг турфа хиллиги бир-бирига ўхшамайдиган, ўзига хос миллий қиёфали халқларни, улардаги шахслараро муносабатлар мазмунини яратади.

Гарчи ҳар бир инсон маълум даражада мустақил яшаш ва фаоллик кўрсатиш имкониятига эга бўлса ҳам, лекин ҳаётда у фақат ўз ҳохиши ва тушунчаси билан яшаб қолмай, шунинг билан биргалиқда ўзи яшаб турган ижтимоий мухит ва ўзи мансуб бўлган халқнинг тажриба, билим ва эътиқодларини ҳам ўзлаштириб боради. Чунки одам ўзи яшаб турган ижтимоий мухитни инкор этиб ёки ундан бутунлай чиқиб кетиб яшай олмайди. Бола фақат миллий мухитда яшаб тургандагина шу миллат ва элатга хос бўлган хусусиятларни онги ва хулқига сингдириб, ижтимоий тажрибани эгаллаб, айни миллат вакили бўла олади.

Боланинг онтогенетик тараққиёти даврида ташқи хатти харакатларни ботиний яъни, "ақлий" хусусияларга айланиши даврида унда

миллий психологик қиёфа асослари шакллана бошлайди. Индивиднинг ижтимоийлашиши, миллийлашиши она тилини ўзлаштириш билан бошланади. Миллий тилни билмаслик этник муҳитдаги жараёнларни, тилда ифодаланаётган ҳолат ва ҳодисаларнинг моҳиятларини англаб олишга тўсқинлик қиласди. Чунки фикр ифодаси учун ишлатиладиган сўзларда миллий ўзига хослик бўлади. Тафаккур билан тил ва нутқ ўзаро боғлиқ бўлганлиги учун, русча тили чиқсан болаларнинг фикрлаш малакаси ҳам русча бўлиб ўзбекларнидан фарқланади. Чунки инсоннинг тафаккур тарзи нутқида, тилда реаллашади, моддийлашади. Биринчи юртбошимиз Ислом Каримов ўзларининг “Ўзбекистон мустақиллик остонасида” асарларида таъкидлаганлариdek, “Ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган, унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади”<sup>8</sup>. Шунинг учун миллий характер, урф-одатлар, қадриятларни ўрганишни мақсад қилган инсон шу ҳалқ ва миллатнинг тилини аввало мукаммал билиши лозим.

*Миллий психологик қиёфа* этник психологиянинг асосий компонентларидан ҳисобланиб, миллий онг билан биргаликда шахслараро муносабатлар этнопсихологиясини ташқил қиласди. Маълум даражада улар мазмун жиҳатидан ва руҳиятнинг асосий хусусиятларига тааллуқлиги билан бир-бирига яқин келса ҳам, лекин улар айни бир тушунча эмас. Шунга қарамасдан айрим муаллифлар (Ш. Ботиров, Н. Жондильдин, Кломидзе), хориждаги деярли барча муаллифлар "миллий характер"ни миллатнинг бутун психологик хусусиятларини ифодалаш учун қўллашади.

"Миллий психологик қиёфа" "миллий характер"га қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, "миллий характер" унинг таркибий қисмига киради. "Характер" маҳсус термин сифатида кўпинча, барқарор руҳий хусусиятлар

<sup>8</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011 – 69 б.

мажмуаси сифатида тушуниладиган "миллий психологик қиёфа"га қараганда торроқдир. Бундан ташқари миллий характер этник психологиянинг миллий психологик қиёфага қараганда анча ҳаракатчан, ўзгарувчан элементидир. Миллий характер асосан этник бирликнинг миллат сифатида шаклланган даврида вужудга келган бўлса, миллий психологик қиёфа этник бирликнинг барча тарихий босқичларига ҳам тааллуқлидир. Тадқиқотчилар томонидан миллий психологик қиёфанинг нафақат табиати ва моҳияти таҳлил қилиниб, шарҳланиб қолмасдан, шунингдек унинг тузилмаси (структураси) ҳам ўрганилиб, бу ҳақида турлича карашлар мавжуд.

## **ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР**

Шахслараро муносабатларнинг турлича характер хислатларига эга бўлишлиги, ҳар бир миллатнинг ижтимоий-иқтисодий тажрибаси, тарихий тараққиёти ва табиий яшаш шароитлари билан белгиланади. Бунда ижтимоий муносабатлар миллий харктернинг шаклланишида етакчи рол ўйнайди. Ҳар бир тарихий давр, шу даврдаги ижтимоий тараққиёт қонуниятлари асосида миллат вакиллари миллий мафкура манфаатларига мос бўлиб тушадиган ўз миллий характерига мос идеални яратади. Шу даврдаги характер типи одамларинг яшаш тарзини акс эттиради. Ҳалқнинг бутун тарихи давомида орттирган ҳар бир характер хислатларининг вужудга келиши инсонлар руҳиятига атрофдаги воқеликларнинг узоқ вақт давомида таъсир этиб туриши билан боғлиқдир. Миллий характерга қандай руҳий хислат ва сифатларни киритиш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, "миллий характер" тушунчаси хақида ҳали ҳам умумий бўлган бир хил қараш мавжуд бўлмаса ҳам, лекин унга кирувчи хислатлар тўғрисида умумий бўлган фикрлар мавжуд.

Кўп тадқиқотчилар миллий характерга, меҳнатга муносабат асосида шаклланадиган сифатларни, яъни, меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, мақсадга йўналганлик, Ватанга муносабат асосида ётувчи ватанпарварлик, эркесеварлик, жанговарлик сифатларини киритишади. Бизнинг фикримизча, юқоридаги хислат ва сифатлар билан бир қаторда миллий характер таркибига яна миллатнинг тафаккур қилиш, фикр юритиш хислатларининг ўзига хослигини ҳам киритиш мумкин. Бундан ташқари, миллат вакилларининг бошқа халқларга бўлган муносабати ва шу миллат вакилларининг ўзаро муносабатларини белгиловчи хусусиятлар ҳам киради.

Миллий характер ва этник психологияни ўрганувчи олимлар эса, миллий характер намоён бўладиган юқорида таъкидланган хислатларнинг яққол намоён бўлиши шахслараро муносабатлар жараёни эканлигини таъкидлашади. Меҳнатсеварликнинг ҳамма халқларга хос фазилат эканлигига ҳам шак-шубҳа келтирмаймиз. Лекин, шунинг билан биргаликда жамиятпинг ижтимоий-иктисодий қурилиши, географик иқлим шароити, шу халқ томонидан қабул қилинган меҳнат қилишига бўлган муносабатга қараб, меҳнатсеварлик ҳамма халқларда бир хилда ҳам намоён бўлавермайди.

Шахслараро муносабатлар мазмунига қўни-қўшни, маҳалла - кўй ва ҳамқишлоқларининг ўрни катта бўлиб, тарихан кўп йирик хўжалик ишлари - канал қазиб сув чиқариш, ариқларни тозалаш, мачит ва бошқа биноларни қуриш, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва шунга ўхшаш қўпчилик меҳнатини талаб қиласидиган ишларни халқ ўзи "ҳашар" ёрдамида бажарган. Шунинг учун маҳаллада ва қўшнилар орасида бўлиб турадигаи хашарларга чиқиш ҳар бир кексаю ёшнинг муқаддас бурчи ҳисобланган. Сўнгги пайтларда маҳалланинг кайвонилари ва оқсоқолларнинг ижтимоий муносабатларни соғломлаштиришга кўпроқ жалб қилиниши, шахслараро муносабатларни тўғри йўлга қўйилишида ибрат кўрсатиши катта ижтимоий-психологик

кучга эга эканлигидадир.

Ўзбек халқининг меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик, ҳовли-жойни озода тутиш, ризқи-рўзимиз бўлган турлитуман ноз-неъматларни эъзозлаш ва шунга ўхшаш бир қанча миллий урфодат ва анъаналари борки, уларни ўрганиш, ёшларни шу анъаналар руҳида тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир.

Ота-она ҳурматини бажо келтириш, кексаларни эъзозлаш каби одат ва анъаналар ўзбек оилаларида ёшликтан болалар онига сингдирилиб борилади. Ота-она ва катталар, ёшларга бошқалар билан муомала қилиш ва муносабатга киришиш йўл-йўриқларини ўргатиб, одамийликдан, инсонларварликдан сабоқ бериб боришади.

### **Тавсиялар:**

Ўзидан катта ёшда бўлган кишиларни ҳурматлаш билан боғлик бўлган анъанага кўра, ёшлар уларни кўрганда таниш-танимаслигидан қатъий назар, уларга биринчи бўлиб салом бериши, йўлда учратганда биринчи бўлиб уларни ўтказиб юбориши, гаплашганда мулойим гаплашиши, уларга терс жавоб бермаслиги, доимо "Сиз," деб муомалада билиши, уларнинг исми, лақабини айтиб чақирмаслиги, қўлидан юкини ва юмушини олиши ҳамма ерда ҳам уларга жой бўшатиб беришлиги ва шунга ўхшаш одоб нормаларига риоя қилишлиги керак бўлади. Ҳар бир қария, ёши катта киши ўзлари шахсан танимаган ёшларга ҳам панд-насиҳат қилиши, танбех беришлиги мумкин. Ёшлар ҳам уларнинг сўзини бўлмасдан тинглаши ва бундан жаҳли чиқмаслиги керак.

Ўзбек оилаларида ўтадиган бирон-бир йиғилиш, маросим, тантанали тўй-тамошалар, ҳашар ва ободонлаштириш ишлари "ақлнинг кўзи" бўлган нуроний кексаларимиз маслаҳатисиз, иштирокисиз ўтмайди.

Узоқ сафарга кетаётган ва қайтиб келган ҳар бир киши, албатта, маҳалла ва қишлоқнинг ҳамма кексаларини ва хаста бўлиб ётган кишиларни бориб зиёрат қилиши зарур. Агар сафардалик даврида, маҳалладаги бирор

киши вафот этган бўлса, биринчи навбатда унинг оиласига бориб таъзия билдирилади.

Миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатлари, миллий хусусиятларимизни билмасдан, ҳисобга олмасдан туриб миллий мафкурани шакллантириш мумкин эмас. Бунда "... Шарқ ҳалқлари муносабатларинит тартибга солувчи ва миллий табиатимизга мос бўлган ўз-ўзини бошқарув усули - маҳаллани ривожлантириш ҳамда унинг мавқеини ошириш" керак.

Жамият ҳаётида тотувлик ва ижтимоий тарбияни ташкил қилишда маҳалланинг аҳамияти бекиёсdir. Табиат қийинчиликларини, ташқи хавф-хатарларни биргаликда енгиш, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этишда кучларни бирлаштириш, яхши-ёмон қунларда бир-бирига елкадош бўлишга интилиш туйғуси ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар маҳаллаларда шаклланган ва авлоддан-авлодга ўтиб келган. Маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин.

Кейинги йилларда хукуматимиз томонидан маҳалланинг жамиятни бошқаришдаги вазиятлари кенгайтириб, мавқени ошириб бораяпти. Давлатни бошқаришнинг айrim функциялари унга ўтаяпти.

Жамият, ҳалқнинг турмуш тарзига, ўзаро муносабатлари ва этник хусусиятларига мос келажак ижтимоий ғоялар билан суғорилган янги урф-одат, анъана ва маросимларга кенг йўл очиб, турмушга сингдириб бориш зарур. Жумладан юртбошимизнинг тўй, маросимларни тартибга солишга қаратилган жуда долзарб қарорлари каби фармон ва қонунларни янги урф-одатлар сирасига киритишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М.Мирзиёев. "Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги пф-4947-сонли фармони.
2. Каримов, И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида / Т.: “Ўзбекистон”, 2011.- 440 б.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008 - 176 б.
4. Андреева Г.М. Социальная психология: Учебник для высших учебных заведений / Г.М. Андреева.- 5-е изд., испр. и доп. – М.: Аспект Пресс, 2003 – 364 с.
5. Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. – М.: Наука, 1973
6. Каримова В.М. Ижтимоий психология. Олий ўкув юртлари талабалари учун дарслик.- Т., 2012 – 196 б.
7. Маматов М. Миллий психологик қиёфа ва унинг хусусиятлари. Т.: Ўзбекистон, 1980. -76 б.
8. Мацумото, Д Человек, культура, психология. Удивительные загадки, исследования и открытия.\ Дэвид Мацумото.–СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2008.- 668 с.
9. Платонов Ю.П. ,Почебут Л.Г. Этническая социальная психология.- С.Пб., 2001 - 412 стр.
10. Поршинев Б.Ф. Противопоставление как компонент этнического самосознания. - М., 2001 -274 с.
11. Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание.\ В кн. «Хрестоматия по психологии».- М., 1977 – С. 49
12. Соғинов Н., Усмонов Э.Ш. Ёш ўзбек оиласарида юзага келадиган эрхотин низоларининг этник хусусиятлари / Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари.- Республика илмий-амалий анжум. маъruz. қисқача. баёни.-Т., 1993.- 49-51б.
13. Стефаненко Т. Этнопсихология. – Москва: Акад. проект, 1999 – С.

## **Мундарижа**

|  |    |
|--|----|
| 1. Кириш   | 3  |
| 2. Этнопсихологиянинг предмети                                   | 5  |
| 3. Этнопсихология соҳасидаги дастлабки тадқиқотлар               | 9  |
| 4. Шахслараро муносабатлар – этнопсихологиянинг обьекти сифатида | 12 |
| 5. Шахслараро муносабатларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар    | 15 |
| 6. Шахслараро муносабатлар мазмунига таъсир этувчи омиллар       | 18 |
| 7. Хулоса ва тавсиялар   | 24 |
| 8 Фойдаланилган адабиётлар                                       | 28 |